

хэм бузылған хуқықларын тиклеў хэм оның талапларын қанаатландырыў хуқықын келтирип шығарады. Усы хуқықты әмелге асырыў тәртіптери Өзбекстан Республикасы «Пукаралардың хуқық хэм еркинликлерин бузатуғын ҳәрекетлер хэм қарарлар үстинен судқа шағым етиў ҳақында»ғы, «Физикалық хэм юридикалық шахслардың мүрәжәттери ҳақында»ғы ыызамлары менен тәртіпке салынады.

Конституцияның 26-статьясы «Жынаят ислегенликте айыпланып атырған ҳәр бир шахстың иси судта ыызамлы тәртіпте, әшқара түрде көрип шығылып, оның айыбы анықланбағанша ол айыпкер есапланбайды. Судта айыпланып атырған шахсқа өзін қорғаў ушын барлық шараятлар тәмийинлеп бериледи.

Хеш ким қыйнаўға салыныўы, зорлыққа, аяўсыз яки инсан қадир-қымбатын кемситиўи басқа тәриздеги қарсылыққа дуўшар етилиўи мүмкин емес.

Хеш кимде оның разылығысыз медициналық яки илимий тәжирибелер өткизиўи мүмкин емес» деп көрсетилген.

Өзбекстан Республикасы Жынаят кодексиниң 4-статьясында «Хеш ким судтың ҳүкими болмай турып жынаят ислеўде айыплы деп табылыўы хэм ыызамға қарсы рәуиште жазаға тартылыўы мүмкин емес» делинген.

Шахстың айыплығын белгилеўде тек ғана дәлийллеў, тәртіп қағыйдаларына әмел етиў, бәлким жынаят ушын жуўапкершилик хэм оның тийкарлары жетерли дәрежеде бар болыўы керек. Бунда Өзбекстан Республикасы Жынаят кодексиниң 16-статьясының 2-бөлиминде белгиленген жынаят қурамының барлық белгилери бар болған қылмысты ислеў жуўапкершиликке тартыў ушын себеп болады. Шахсты жынаят жуўапкерлигине тартыў ушын фактлик тийкар шахс тәрәпинен исленген қылмыс есапланады.

Өзбекстан Республикасы Жынаят процессуал кодексиниң 85-статьясына муўапық «Дәлийллеў исти ыызамлы, тийкарланған хэм әдалатлы шешиў ушын әҳмийетке ийе болған жағдайлар ҳақындағы ҳақыйкатты анықлаў мақсетинде дәлийлелерди топлаў, тексериў хэм бахалаўдан ибарат болып табылады».

Конституцияның 27-статьясында, «Хәр ким өз шәни хэм қорқытыўлардан, жеке өмирине араласыўдан қорғалыў хэм турар үй-жайы қол қатылмаслығы хуқықына ийе.

Хеш ким ыызам нәзерде тутқан жағдайлардан хэм тәртіптен тысқары биреўдиң турар жайына кириўи, тинтиў өткизиўи яки оны көзден кешириўи, хат алысыўлар хэм телефонда сөйлесиўлер сырын әшқара етиўи мүмкин емес» деп көрсетиледи.

«Инсан хуқықлары улыўма дүнъя жүзлики Декларациясы» 12-статьясында шахс намысына қол қатылмаслық белгиленген, «Пукаралық хэм сийсий хуқықлар ҳақында»ғы халықаралық

Пакттиң 17-статьясының 1-бөлиминде «Хеш кимниң жеке турмысына, оның үй-жайына қол қатылмаслығына яки хат алысыўлардағы сырларына қол қатылмаслығы өзбасымшалық яки ыызамсыз тәризде қорқытыў, ар-намысына тийиў мүмкин емес» деп көрсетилген.

Өзбекстан Республикасы Пукаралық кодексиниң 100-статьясы «Инсанның қадир-қымбат хэм ишенлик абыройын қорғаў» деп аталады.

Бунда «Пукара өзиниң абыройы, қадир-қымбаты яки ишенлик абыройына зыян жеткизиўи мағлыўматлар жүзесинен, бундай мағлыўматларды тарқатқан шахс олардың ҳақыйкатқа туўры келиўин дәлийллей алмаса, суд арқалы қорғалыў хуқықына ийе екенлиги;

Мәндар шахслардың талабына қарай пукараның қадир-қымбатын оның өлиминен кейин де қорғаўға жол қойылыўы;

Өзиниң қадир-қымбаты яки ишенлик абыройына зыян жеткизиўи мағлыўматлардан тарқатылған пукара бундай мағлыўматлар бас тартылыўы менен бир қатарда оларды тарқатыў ақыбетинде жеткизилген зыянлар хэм руўхый зыяның орнын қаплаўды талап етиўге ҳақылы екенлиги» хэм т.б. көрсетилген.

Конституцияның 28-статьясында «Өзбекстан Республикасы Пукарасы Республика аймағында бир орыннан екінши орынға көшиў, Өзбекстан Республикасына келиў хэм оннан шығып кетиў хуқықына ийе екенлиги, ыызамда белгиленген шеклеўлер буннан тысқары екенлиги» көрсетип өтилген.

Жоқарыда келтирип өткенимиздей, 2015-жылдың 11-августынан баслап күшке кирген «Өзбекстан Республикасының айырым ыызам ҳүжеттерине өзгерис хэм қосымшалар киргизиў ҳақында»ғы ыызамға муўапық Жынаят хэм жынаят-атқарыў кодекслерине азатлықтан шеклеў сыпатындағы жаңа жаза түри киргизилди. Бул бойынша азатлықтан шеклеў суд тәрәпинен судланыўшыға байланыслы жасаў орнын ол, яки бул себеп пенен кетип қалыўды пүткиллей қадаған етиўден, яки судканың мәлим бир ўақында жасаў орнынан шығыўды шеклейди.

Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинетиниң 1995-жыл 6-январьдағы «Өзбекстан Республикасы пукараларының шет елге шығыў тәртіби хэм Өзбекстан Республикасы дипломатик паспорты ҳақындағы қағыйдаларын тастыйықлаў ҳақында»ғы қарары менен Республика аймағынан шығыў хэм оған кириў тәртіби белгиленген.

Улыўма алғанда, Өзбекстан Республикасы Конституциясы, Өзбекстан Республикасында шығарылған ыызамлар хэм ыызам асты актлери, булардың барлығы инсан хэм пукаралардың жеке хуқықларын тәмийинлеўде тийкарғы дерек есапланады хэм булар инсан мәплерин ең жоқарғы орынға қояды.

Әдебиятлар

1. Каримов И.А. Буюк келажатимизниң хукукий қафолати. -Т.: «Шарқ», 1993.
2. Улим жазосини бекор қилиш ҳамда қамокқа олишға санкция берилу хукукин судларға ўтказишға өд норматив-хукукий ҳужжатлар түплами: Расмий нашр / ЎзР Олий суди, ЎзР Бош прокуратураси, ЎзР Миллий хавфсизлик хизмати, ЎзР Ички ишлар вазирлиги, ЎзР Адлия вазирлиги. -Т.: Адолат, 2007.

3. Халқ сўзи № 148 (3693) 2005, 2 август.
4. Ўзбекистан Республикаси Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2014.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. -Т.: «Адолат», 2011.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. -Т.: «Адолат», 2011.

РЕЗЮМЕ

Инсон ва унинг ҳукуки ҳозирги даврниң энг муҳим масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Давлатимизниң олий қадрияти – инсон, унинг ҳаёти ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасида чиқарилган қонунлар ва қонуний ҳужжатлар, буларниң барчаси инсон ва фуқароларниң шахсий ҳуқуқларини таъминлашда асосий манба ҳисобланади.

РЕЗЮМЕ

Человек и его права являются одним из главных проблем настоящего времени. Высшей ценностью нашего государства является защита человека, его жизни и других неотъемлемых прав. Конституция Республики Узбекистан, законы и акты, всё это является основным источником при защите личных прав граждан и человека.

SUMMARY

The person and his rights are one of the main problems at present. The highest value of our state is protection of the person, his life and other inalienable laws. The Constitution of the Republic of Uzbekistan, laws and the reports, all this are the basic source in protection of the personal rights of citizens and the person.

ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРИ:

ТАДҚИҚОТЛАР ВА НАТИЖАЛАР

У.Каландаров - ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: Жанубий Орол бўйи, Гулдурсин қалъа, Ал-Фир (Пил) қалъа, Аёз қалъа, Тупроқ қалъа, Қирқиз қалъа, Қўйқирилган қалъа, Бозор қалъа, Жонбос қалъа, Қизил қалъа, Анка қалъа, Дояхотин, Жигарбанд, Қўхнауаз, Қўзалиқир Капарас, Елҳарас, Қўргонқалъа, Бўлдимсоз, Чирик Работ, Бобиш Мулла, Жети асар, Акчахан қалъа.

Ключевые слова: Южное Приаралье, Гулдурсин кала, Ал-Фир (Пил) кала, Аяз кала, Тупрак кала, Кирккиз кала, Қўйқирилган кала, Базар кала, Жанбас кала, Кизил кала, Анка кала, Дояхотун, Жигарбанд, Кухнауаз, Кузаликир, Капарас, Елхарас, Курган кала, Булдимсоз, Чирик Рабат, Бабिश Мулла, Жети асар, Акчахан кала.

Key words: the south coast of the Aral sea, Guldursin kala, Al-Fir (Pil) kala, Ayaz kala, Tuprakkala, Kirkkiz kala, Kuykirilgan kala, Bazar kala, Janbas kala, Kizil kala, Anka kala, Doyaxotun, Jigarband, Kukhnauaz, Kuzalikir, Kaparas, Elkharas, Kurgan kala, Buldimsoz, Chirik Rabat, Babish Mulla, Jetti asar, Akchakhan kala.

Марказий Осиё археологик объектлари контекстида Қорақалпоғистон ва Хоразм археологик объектларини ўрганиш XX асрнинг 20-30-йилларидан бошланди ва бу ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда.

Жанубий Орол бўйи, Амударёнинг қуйи қисмидаги археологик объектларни тадқиқ қилиш ишлари тўрт босқичда амалга

оширилди. Иккинчи жаҳон уруши давригача (1936-1940 йиллар), урушдан кейинги йиллар (1946-1958 йиллар), Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими ташкил қилингандан кейин 1959-1990 йиллар ва мустақилликдан кейинги йиллар.

Жанубий Орол бўйи ва Хоразм вилоятининг ёдгорликларини тадқиқ қилишнинг биринчи ва кейинги босқичлари биринчи ўзбек археолог олими Академик Я.Ғ.Ғуломов ва профессор С.П.Толстовларнинг Хоразм археологик экспедицияси фаолияти билан боғлиқ. 1936-1940 йилларда Амударёнинг қуйи қисмидаги Гулдурсин қалъа, Ал-Фир (Пил) қалъа, Аёз қалъа, Тупрок қалъа, Қирққиз қалъа ва бошқа шаҳарларда Я.Ғуломов томонидан тадқиқот ишлари олиб борилди. Олим ўша пайтдаёқ Хива шаҳри қушонлар даврида Ичан қалъа доирасида қисман сақланиб қолган мудофаа иншоотлари негизда қурилган деб ҳисоблаганди. Я.Ғ.Ғуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» асари 50 йиллар бошида чап сохил Хоразм ёдгорликлари гидрографиясини ва тарихи бўйича маълумотларни, шу жумладан ёзма манбалар ҳамда этнография маълумотларини ўз ичига олган эди.

1937 йилда профессор С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм археология (1945 йилдан археология-этнография) экспедицияси тузилди. Шундан сўнг, Орол бўйи ёдгорликларини мунтазам тадқиқ қилиш ишлари жадал бошлаб юборилди. Хоразм археология экспедицияси дастлабки йиллардан бошлаб шугулланган илмий муаммолар орасида Хоразмда исломгача бўлган археологик объектлар тарихи муҳим ўрин тутди.

Хоразм экспедициясининг археолог олимлари антик давр археологик объектларидан Қўйқирилган қалъа, Қўроғшин қалъа, Бозор қалъа, Жонбос қалъа, Қизил қалъа, Тупрок қалъа, Катта ва кичик Қирққиз, Анка қалъаларда тадқиқот ишларини олиб бордилар. Натижада мил.авв. IV-мил IV асрнинг ноёб ёдгорликларининг катта мажмуи ва уларнинг санаси аниқроқ белгиланди. 1939 йилда Хоразм экспедициясининг археологик кидириш ишлари уч йўналишда олиб борилди [1].

Биринчи йўналиш – Амударёнинг Чаржовдан Тўрткулгача бўлган ҳар икки соҳилини ўз ичига олди. Натижада, ўнг соҳилдаги Устик, Тупрокқалъа (ўнг соҳил), Дошқалъа ва сўл соҳилдаги Қўшқалъа I, Тупрокқалъа (сўл соҳил), Дояхотин, Жигарбанд, Ҳозарасп қалъаларида тадқиқот ишлари олиб борилди.

Иккинчи йўналиш – ўнг соҳил Хоразмнинг қадимги суғорилган ерларини қамраб олди. Бу ерларнинг тархи чизилди, батафсил архитектура ўлчови ўтказилди. Аёзқалъа 3 ва Жонбосқалъада қазилма ишлари олиб борилди. Қадимги суғориш тизимини тадқиқ қилиш натижасида ўрта асрларга оид манбаларда қайд этилган Амударё ўнг соҳилидаги каналлар ўрнини аниқлаш мумкин бўлди.

Учинчи йўналиш – Чарманёб йўналишида Қўнарликқалъа, Довданқалъа, Қалъалиқир 1 ва 2, Қўхнауз, Қўзалиқир, Шоҳсанам, Замахшар, Говурқалъа 1 ва 2 ларда тадқиқот ишларини олиб борди.

Экспедиция 1940 йилда ўзининг асосий иш ҳудудида – Амударё ўнг соҳилидаги қадимги суғорма ерларда тадқиқот ишларини олиб борди. 1938 йилда аниқланган Тупрокқалъа шаҳристони текширилди. Эресқалъа, Қаватқалъа шаҳристони, Думанқалъа ва жанубий шарқий Қорақалпоғистоннинг бошқа ёдгорликларининг схематик тархи чизилди ва архитектура ўлчовлари ўтказилди.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар Хоразм археология экспедицияси ходимлари томонидан қадимги Хоразмнинг қўлаб ёдгорликлари ўрганилди. Натижада, Хоразм маданиятининг мил.авв. IV-III асрларидан мил.авв. XIV асригача бўлган даврини қамраб олувчи тавсифи илк бор юзага келди [2].

Иккинчи босқич – урушдан кейинги йиллар бўлиб, бу босқичда Хоразм археология экспедицияси кенг миқёсда олиб борилди. Бунда Хоразмнинг қадимги ва ўрта асрлар ёдгорликларини аниқлаш ҳамда ўрганиш муҳим аҳамият касб этди. 1946 йилдан шимолий-ғарбий Ўзбекистон ҳудуди, Устюрт те-

кислиги, Амударё ва Сирдарё ораллигида археологик авиаразведка қилинди ва суратга олинди.

Қорақалпоғистон Республикасининг қадимги суғорма ерлари, Туркменистоннинг Тошхувуз вилояти шимолий чеккалари, шунингдек Қуйи Амударё ва Сирдарёда илк бора археологик авиаразведка қилинди ва суратга олинди. Хоразм экспедицияси ходимлари 1958 йилдан бошлаб Қадимги Хоразмнинг ҳозирги маданий зонада жойлашган археологик объектларини ўрганишга киришдилар. Шулардан бири, Ҳозарасп қалъаси ва Шоҳсанам қалъасида олиб борилган қазилма ишлари натижасида илк антик даврдан то мўғуллар истилосигача бу ерда ҳаёт узлуксиз давом этгани аниқланди.

Учинчи босқичда олиб борилган ишлар натижасида Қадимги Хоразм ёдгорликлари тадқиқоти анча кенгайди. Тупрокқалъа, Қўзалиқир, Қалъалиқир 2, Тупрокқалъа (Хива), Говурқалъа 3, Қўроғшинқалъа, Кичик Қирққизқалъа истехкомлари батафсил ўрганилди. Антик истехком Қапарас, Елҳарас мажмуида тадқиқот ишлари олиб борилди. Ўрта асрларга оид шаҳарлар Жигарбанд ва Садварда илк антик давр Хоразм ҳарбий истехкомларига тўлиқ жавоб берувчи қадимги истехкомлар борлиги аниқланди.

Хоразм археологик экспедицияси Сирдарёнинг қуйи оқимида олиб борган тадқиқотларида антик даврда қўчманчи чорвадор халқлар турмуш маданиятининг қўлаб истехкомли манзилгоҳларини (Чирик Работ, Бобиш Мулла, Жети асар ва бошқалар) аниқлаш имконини берди [3].

Хоразм археология экспедицияси билан бир вақтда Туркменистон олимлари ҳам Хоразмнинг шимолий-шарқидagi қадимий археологик объектларида тадқиқот ишларини олиб бордилар. Улар томонидан Қўроғқалъа, Бўлдимсоз, Қанҳақалъа-2, Манғарқалъа ва Хоразмнинг бошқа қўхна ёдгорликлари ўрганилди [4].

Қадимги Хоразмнинг ёдгорликларини ўрганишнинг учунчи босқичи, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали Н.Даўқараев номидаги Тарих, тил ва адабиёт институти археология бўлими ходимлари томонидан олиб борилди.

Қадимги Хоразм ёдгорликларини ўрганиш кенг қўламда асосан Амударёнинг сўл соҳилида олиб борилди. Натижада, 1973-1976 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими ходимлари томонидан Хоразм вилоятининг археологик харитаси тузилди. Кейинчалик, 1976-1993 йилларда Амударёнинг сўл соҳилидаги археологик рекогностик ва стационар қазилма ишлари олиб борилди. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг антик давр ёдгорликлари ўрганилди [5].

Мил.авв. V-IV асрларга оид мудофаа иншоотлари тизимига кирувчи Катта Айбуйирқалъа анча батафсил текширилди. Натижада, бу ноёб археологик объектдан дастлабки қадимий ёзувлар аниқланди. Антик даврдаги Хоразм ҳарбий истехкомлари тўғрисида маълумотлар анча бойитилиб янги маълумотлар тўпланди.

Мустақилликдан кейинги йилларда шимолий-ғарбий Ўзбекистон ҳудудидаги энг йирик объектлардан бири Акчахон қалъада (мил.авв. IV-III асрлар- мил. IV асри) археологик илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда [6].

Мустақиллик йилларида Акчахонқалъадан олиб борилган тадқиқотлар натижасида топишган ноёб рангли суратлар жаҳон археологиясидаги янгиликлардан бўлди. Зеро, давлатимиз мустақилликка эришганлиги шарофати билан бу борада чет эллик олимлар билан ҳамкорликда ишлаш учун кенг имкониятлар очилди.

Адабиётлар

1. Труды ХАЭЭ том-1. -М.: 1952.
2. Толстов С.П. «Қадимги Хоразм». -М.: 1949.
3. Толстов С.П. «Окс ва Яксартнинг қадимги дельталари бўйлаб». -М.: 1962.
4. Юсупов Х. «Древности Узбоя» -Ашгабат: 1970.

Бу мақолада Жанубий Орол бўйи, Амударёнинг қуйи қисмидаги ноёб археологик объектлардаги тадқиқотлар ва уларнинг натижалари баён қилинган. Қорақалпоғистон ва Хоразм ҳудудидаги қадимги ва ўрта асрларга оид археологик объектлардан қадимги арамей ёзувлари, тангалари, хайкаллар, рангли расмларнинг топилиши аждодларимизнинг тили, дини, бадий санъати тарихини ўрганишда катта археологик манба бўлиб ҳисобланади.

В статье рассматриваются вопросы изучения и результаты раскопок археологических объектов античности и средних веков в Приаральской дельте Амударьи. На территории Каракалпакстана и Хорезма были найдены новые археологические находки, которые (древние надписи, монеты, статуэтки, живопись) являются уникальными, культурными наследиями наших предков.

The article deals with the issues of learning and the results of archeological excavations of objects of antiquity and the Middle Ages in the Aral seaside delta of the Amudarya. On the territory of Karakalpakstan and Khorezm there were found new archeological discoveries (such as ancient inscriptions, coins, statuette, paintings) which are unique and cultural heritage of our ancestors.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

SUMMARY